

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январ-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 21 729,0 млрд.сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январ-декабрига нисбатан ўсиш суръати 103,4 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январ-декабр ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 147,7 фоизни ташкил қилди.

Январ-декабр ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		2017 йил январ-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	14232,2	21729,0	103,4
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	13847,9	20996,6	103,4
Маҳсулотларга соғ солиқлар	384,3	732,4	103,2
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	13847,9	20996,6	103,4
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3940,6	5441,6	103,9
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	7168,2	12237,4	102,1
саноат	6581,7	11350,8	99,8
курилиш	586,6	886,7	128,5
Хизматлар	2739,1	3317,7	105,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	762,0	930,7	104,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	569,6	631,0	106,2
бошқа хизматлари	1407,4	1755,9	106,7

Январ-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)



2018 йилнинг январ-декабр ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири курилиш (128,5 %), бошқа соҳа хизматлари (106,7 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (106,2 %), кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги хизматлари (103,9 %), Саноат (курилишни қўшган ҳолда) (102,1 %) тармоқларидағи ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 42,4 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январ-декабрга нисбатан 5,5 фоизли бандга камайди.

2018 йил январ-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 15,8 фоиз (2017 йил январ-декабрида 19,8 фоиз)ни ташкил қилди.